

ИСМ ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДА

18:50 / 26.04.2016 9965

САВОЛ: Фарзанд туғилгач ота-она унга суюб исм қўяди. Лекин йиллар ўтгач унинг исмини исломий исмга ўзгартириш истаги туғилади. Шунда қандайдир қоида ва маросимлар борми? Боланинг исмини ўзгартираётганда янгидан қулоғига азон айттириш ва ақиқа қилиш ҳақида шайх жаноблари нима дейдилар? Шунингдек, Шаҳзод исмини ўзгартирмоқчи эдик ва "Муҳибилло" исмининг маъносини айтиб берсангиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Албатта ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларидан бири ўша фарзандга чиройли, яхши исломий исм қўймоқдир. Бу ота-оналарнинг ниҳоятда масъулият билан қиладиган ишларидан бири ҳисобланади. Шаҳзод исмини бошқа мусулмонча исмга алмаштиришга келсак бунинг алоҳида бир маросими йўқ. Балки бу исмни қўйиб, бошқа бир исломий исм ихтиёр қилинади-да, ана ўшани айтиб аввалгисини эсдан чиқариш, унутишга уринади, шу билан иш битади. Қандайдир алоҳида бир маросим қилиш ёки қандайдир алоҳида бир амалларни қилиш борасида махсус кўрсатмалар йўқ. Фақат яхши бир исмни ихтиёр қилиб, ноисломий исмни айтмай қўйиш, янгисини айтишга ўргатиш йўлга қўйилса бўлди. Энди Шаҳзод исмини Муҳиббиллога ўзгартириш яхши бўлибди. «Муҳиббилло» дегани, «Аллоҳга муҳиб», «Аллоҳга муҳаббат қилувчи шахс» деган исм бўлади, бу албатта яхши. Аллоҳга муҳаббат маъносини англатувчи исмни қўйиш, аташ жуда бир гўзал амал ҳисобланади. Валлоҳу аълам.